

АҚШ олий таълим тизимига кириш

- **Федерал ва штат ҳукуматининг роли**
- **Аккредитация ва олий таълим уюшмалари**
- **Бошқарув кенгашлари ва институционал бошқарув**
- **Таълим муассасалари ва илмий даража турлари**
- **Таълим учун тўлов ва йиғимлар**
- **Таълим муассасаларининг молия манбалари**
- **Илмий-тадқиқот ишлари**
- **Академик календарь, кредит-баҳолаш тизими**
- **Таълим дастури**
- **Профессор-ўқитувчилар таркиби**
- **Ўқитиш ва таҳсил олиш**
- **Факультатив машғулотлар ва қўллаб-қувватлаш хизматлари**
- **Битирувчилар билан ишлаш**

АҚШ олий таълим тизими

АҚШ олий таълим тизими йирик ва турли хил тармоқларга эга бўлиб, илмий даража берувчи 4600 га яқин таълиммуассасаларидан иборат. Уларда 21 миллиондан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Дунё олий таълим тизимларининг спектрида АҚШ тизими кўп жиҳатдан ўзига хосдир. Аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, АҚШда таълим вазирлиги ёки мамлакатда олий таълимга масъул бўлган бошқа марказий агентлиги мавжуд эмас. Федерал ҳукуматнинг роли чекланган. АҚШнинг бошқа ҳукумат тузилмаларини такрорлаган ҳолда, мамлакатнинг олий таълим тизими яхлит бир кўринишда марказлаштирилмаган. Штат университетлари ва коллежлари федерал ҳукумат эмас, штат назорати остида. Таълим муассасалари ўзини ўзи мустақил идора қилиш бўйича анчайин кўп ҳуқуқларга эга ва муассасаларнинг турлари кўп. Талабалар контингенти сезиларли даражада фарқ қилади ва дунёдаги аксарият тизимлардан фарқли ўлароқ, бир қанча хусусий, нодавлат таълим муассасалар энг нуфузли ҳисобланади.

Ҳатто АҚШ таълим муассасаларининг ном бериш тўғрисидаги келишувлари глобал меъёрларга мос эмас. Университетлар деб аталадиган кўпгина таълим муассасалари магистр даражасидан юқори даражани бермайди, баъзилари эса фақат бакалавр даражасини таклиф қилади. Баъзи коллежлар, бу кўплаб мамлакатларда бакалаврият таълим муассасалари ёки илғор ўрта мактаб деган маънони англатади, докторантурани таклиф қилади. Бакалавр ва докторлик даражасини таклиф қиладиган бир қанча нуфузли кенг қамровли тадқиқот университетлари (масалан, Калифорния технология институти ва Массачусетс технология институти) институт сифатида танилган. Бундан ташқари, коллеж, университет ёки институтлар деб номланадиган, аккредитациядан ўтмаган, аммо илмий даража ва сертификатлар берувчи баъзи таълим муассасалари мавжуд.

Ҳеч бир миллий қонунчилик на бакалавриат ёки на магистратурада даражалар тоифаларини тартибга солмайди. Лекин ҳар бир штат одатда ўз чегараларида жойлашган давлат муассасалари бера оладиган даражани тартибга солади. Ҳар бир муассаса, одатда штатлар ёки ихтисослашган аккредитация агентликлари томонидан ўрнатилган кенг миқёсли кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, ўз дастур талабларини белгилаш эркинлигига эга.

Федерал ҳукуматнинг роли

Таълим вазирликлари бўлган аксарият миллий ҳукуматлардан фарқли ўлароқ, АҚШ федерал ҳукумати олий таълим устидан умумий назоратни амалга оширмайди ёки унинг асосий ҳомийси сифатида хизмат қилмайди. Бироқ, у иккита муҳим соҳада ресурслар билан таъминлайди: талабаларга молиявий ёрдам ҳамда илмий тадқиқотлар ва ишланмалар. Баъзи муассасаларга федерал ҳукумат томонидан тадқиқот грантлари ("Тадқиқот" қисмига қаранг) учун катта маблағлар берилади, шунингдек, ногиронлиги бўлган талабалар ўқиши, касб-ҳунар таълими ва муайян хорижий тилларни ўрганишга мўлжалланган махсус дастурлар қўллаб-қувватланади. Вақт ўтиши билан федерал ҳукуматнинг талабаларни қўллаб-қувватлашдаги роли кенгайди ҳамда ҳозир кам ва ўртача даромадли талабалар учун грант ва кредит дастурларини ўз ичига қамраб олмақда. Бугунги кунда федерал ҳукумат талабаларга молиявий ёрдам беришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Одатда федерал ҳукумат коллеж ва университетларга тўғридан-тўғри тезкор ёрдам кўрсатмаса ҳам, талабаларга молиявий ёрдам шаклидаги махсус мақсадли молиялаштириш жуда муҳим даромад манбаи бўлиб, ўз навбатида федерал ҳукуматнинг коллеж ва университетларга тадқиқот доирасидан ташқаридаги соҳаларда таъсир кўрсатиш қобилиятини оширди. Масалан, муассасалар молиявий ёрдам дастурларида қатнашиши учун улар ўқитувчиларни тайёрлашдан тортиб, олий ўқув юртлари аро атлетикада гендер тенглигига қадар бўлган турли хил федерал талабларга жавоб бериши керак.

Федерал ҳукуматнинг ўсиб бораётган нуфузига қарамай, унинг роли ҳанузгача чекланган ва ҳали ҳам асосий илмий қарорлар одатда муассасалар, айрим давлат муассасаларига оидлари эса - штатлар томонидан қабул қилинмоқда.

АҚШ Таълим вазирлиги олий ўқув юртларида тақсимланадиган ёки ишлатиладиган федерал маблағлардан фойдаланишни бошқаради ва назорат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Талабаларга федерал молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсатини жорий қилиш, маблағларни бошқариш ва тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш.
- Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш, масалан, ирқи, миллати, жинси, ногиронлиги ва ёшидан қатъи назар, олий таълимдан тенг фойдалана олиш имконини берувчи 1964 йилдаги Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ва 1990 йилдаги Ногиронлиги бўлган америкаликлар тўғрисидаги қонун.
- Чет тилларини ўқитиш ва минтақашунослик дастурлари каби ўқув дастурларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш учун дастурларни ишлаб чиқиш.

- Олий ўқув юртларига шартномалар ва грантлар асосида турли хил соҳаларда тадқиқотлар олиб бориш учун берилган федерал маблағлардан фойдаланишни назорат қилиш.
- Ўқишга кириш тенденциялари, талабалар ирқи ва этник келиб чиқиши, профессор-ўқитувчиларнинг хизматда кўтарилиши ва хизмат муддати, аспирантура соҳалари ва таълимнинг турли хил йўналишларида тадқиқотлар ўтказиш каби юзлаб предметлар тўғрисида батафсил маълумот тўплаш.

Штат ҳукумати

АҚШда Конституцияда федерал жавобгарлик сифатида аниқ белгиланмаган барча ҳукумат вазифалари штат ҳукуматларининг юрисдикциясига киради. Таълим бу вазифалар қаторига киради. Натижада, федерал ҳукумат эмас, 50 штатнинг ҳар бири давлат коллежлари ва университетларини бошқариш учун жавобгардир. Штат тизимларига докторлик даражасини берувчи университетлар, минтақавий магистрлик таълим муассасалари ва аксарият штатларда - жамоат коллежлари киради. Бироқ, штатлар томонидан назорат қилиш даражаси жуда катта фарқ қилади. Баъзи штатларда губернатор ва/ёки қонун чиқарувчи орган томонидан тайинланадиган бошқарув кенгаши барча таълим муассасаларини назорат қилади, маблағ ажратади, ҳисобдорлик чораларини белгилайди, сиёсатни ишлаб чиқади ва янги ўқув дастурларини тасдиқлайди. Бошқа штатларда, штат кенгаши фақат маслаҳат бериш вазифасини бажаради ва муассасалар ўстидан бевосита ҳукмронлик қилиш ваколати кам.

Аккредитация

Аккредитация талабалар, ўрта таълимдан кейинги таълим ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ва кенг жамоатчилик учун олий ўқув юртлари ва ўқув дастурлари сифатини таъминлайди. Аккредитация жараёни коллежлар ва университетлар ўзларининг вазифаларига мос келадиган академик стандартларга мувофиқлигини, тегишли равишда бошқарилишини ва муайян штат ва федерал дастурларда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Аксарият мамлакатларда аккредитация (ёки сифатни таъминлаш) ҳукумат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган бўлса, АҚШда аккредитация олий ўқув юртлари ва дастурларнинг сифатини текшириш учун махсус ташкил этилган хусусий, нодавлат ташкилотлар (аккредитатор) томонидан бажарилади. Бироқ, муассасалар федерал маблағларни олиш учун АҚШ Таълим вазирлиги томонидан тан олинган аккредитатор томонидан аккредитация қилиниши керак ва бу одатда фондлар ёки бошқа ташқи манбалар томонидан молиялаштириш учун бажарилиши лозим бўлган шартдир.

"Тан олинган" деб аталиши аккредитатор қўйидагилардан бири томонидан сифат текширувидан ўтганлигини англатади:

- АҚШ Таълим вазирлиги.
- Олий ўқув юртларини аккредитациядан ўтказиш кенгаши (CHEA). CHEAга коллеж ва университетларнинг миллий аъзолик ташкилоти; минтақавий, миллий ва ихтисослашган аккредитация уюшмалари; олий таълим комиссиялари; махсус фанлар ва касбларни аккредитациядан ўтказувчи ихтисослашган гуруҳлар киради. CHEA томонидан тан олинмиш

стандартлари биринчи навбатда сифатни таъминлаш ва уни яхшилашга қаратилган. СНЕА шунингдек, тадқиқот, таҳлил ва мунозараларни мувофиқлаштиради; аккредитация ва сифатни таъминлаш соҳасидаги илғор амалиётлар тўғрисида маълумот тўплайди ва тарқатади; олий ўқув юртлари ва аккредитатор ўртасидаги баҳсли вазиятларда воситачилик қилади.

СНЕА ва Таълим вазирлиги, иккаласи ҳам аккредитациядан ўтган муассасаларнинг эркин фойдаланишда бўлган маълумотлар базаларига эга. СНЕА маълумотлар базаси "Аккредитатор ташкилот номи" бўйича қидиришни амалга оширса, ТВ маълумотлар базаси "Аккредитация агентлиги"ни қидириш имкон беради. СНЕА ва Таълим вазирлигининг веб-сайтлари АҚШдаги аккредитация тўғрисида қўшимча маълумот беради.

Аккредитациянинг иккита асосий тури мавжуд: институционал ва ихтисослашган.

- Институционал аккредиторлар стандартларни белгилайди ва умуман муассасалар фаолиятини баҳолайди. 19 та тан олинган институционал аккредитация ташкилотлари мавжуд. Буларнинг олтитаси СНЕА томонидан тан олинган минтақавий аккредитация ташкилотлари бўлиб, улар АҚШдаги аксарият нотижорат, икки йиллик ва тўрт йиллик илмий даража берувчи ва баъзи хусусий, нотижорат муассасаларни аккредитациядан ўтказишга масъулдирлар. Баъзи минтақавий ташкилотлар, шунингдек, АҚШдан ташқарида жойлашган муассасаларни ҳам аккредитациядан ўтказишади.

- Ихтисослашган аккредиторлар муассасада дастур ёки дастурнинг қисми бўйича бир хил вазифани бажаради. 60 га яқин тан олинган дастурий аккредитация ташкилотлари мавжуд.

СНЕА ХАЛҚАРО СИФАТ ГУРУҲИ

ОЎЮАЎК Халқаро сифат гуруҳи (CIQG) - бу глобал контекстда сифатни таъминлаш ва аккредитация масалаларини ҳал қилиш форумидир. У муассаса ва ташкилотларга ўқув сифатини яхшилаш учун салоҳиятини оширишда ёрдам беради; халқаро сифатни таъминлаш масалалари бўйича билим ва тушунчаларини чуқурлаштиради; тадқиқотлар ва сиёсат бўйича тавсиялар беради.

Олий таълим уюшмалари

АҚШ олий таълими секторига турли хил уюшмалар кириб, муассаса ёки шахслар (баъзан ҳар иккиси) уларнинг аъзоси бўлишади. Кўпинча бир нечта вазифалар юклатилган ушбу ташкилотлар гуруҳ кўринишидаги муассасалар, олий таълимнинг маъмурий соҳалари ёки касбий соҳалар ёки фанлар бўлиши мумкин.

Баъзи уюшмалар учун коллеж ва университетларнинг манфаатларини федерал ва баъзи ҳолларда штат ҳукуматларида ҳимоя қилиш муҳим вазифа саналади. Аъзолик уюшмалари олий таълимнинг барча ёки муайян қисмининг манфаатларига мос келадиган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Кўпгина уюшмалар ўз аъзоларига касбий ривожланиш дастурлари ва хизматларини тақдим этади, шунингдек ушбу соҳадаги энг илғор тажрибалар ҳақида маълумот беради. Баъзи ташкилотлар илмий форумлар сифатида хизмат қилиб, ўз соҳаларида журналлар нашр этади; ташкилот интизомига боғлиқ ёки бошқа ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи илмий мавзулар, долзарб масалаларни кўриб чиқади ва етакчилиқни ривожлантиради; манфаатдор томонларни муҳокамага жалб қилиш ва ҳамкорликда ишлаши учун конференциялар ўтказишади.

Бундай уюшмаларга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлиб, одатда инфратузилма, дастурлар ва нашрларни қўллаб-қувватлаш учун аъзолик бадали тўланади. Ушбу гуруҳларнинг аксарияти ҳар йили миллий ёки халқаро учрашувларни ўтказиб, унда рўйхатдан ўтиш учун бадал тўлаш талаб этилади. Ушбу йиғилишларда баъзи ташкилий ишлар олиб борилса-да, тадбир асосан маърузачилар ва мавзуга оид форумлар, мавзуга бағишланган мунозарали гуруҳлар ва тармоқ имкониятларига оид масалалардан иборат бўлади. Ушбу учрашувлар умумий қизиқишлари бўлган одамларга фикр алмашиш ва бир-бирлари билан алоқада бўлиш имкониятини беради.

Америка таълим кенгаши (ACE) АҚШдаги энг йирик олий таълимни мувофиқлаштирувчи ташкилотдир. Унинг аъзолари ва ҳамкорлари тахминан 1700 аккредитациядан ўтган, илмий даража берувчи коллеж ва университетлардан ҳамда ўрта таълимдан кейинги таълим билан боғлиқ бўлган уюшмалар, ташкилотлар ва корпорациялардан иборат. Бошқа олий таълим ассоциациялари билан маслаҳатлашиш ва консенсусга эришиш орқали миллий даражада, айниқса федерал ҳукумат олдида олий таълим манфаатларини ҳимоя қилиш АТКнинг мақсади ҳисобланади.

Бошқарув кенгашлари

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, институционал автономия (таълим муассасаларининг ўзини ўзи мустақил идора қилиш ҳуқуқи) АҚШ олий таълимининг ўзига хос хусусияти саналади. Бироқ, давлат назоратидан автономлик даражаси олий таълим соҳаларида, яъни штатдан штатга, хусусий ва давлат коллежлари ва университетлари ўртасида, ҳаттоки маълум бир штатдаги муассасалар ўртасида, кескин фарқ қилади. Хусусий таълим муассасаларининг давлат муассасаларига қараганда автономлик даражаси анча юқори, чунки аксарият ҳолларда улар ўз штатлари томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилмайди. Натижада, муассаса раҳбарлик тузилмаси ва фаолияти ҳам муассасанинг ҳажми, вазифаси ва ташкилий маданиятига қараб фарқланади.

Институционал бошқарувнинг энг юқори даражаси - бу бошқарув ёки сиёсатни белгиловчи орган бўлиб, одатда кенгаш деб номланади: регентлар, директорлар, васийлар ёки бошқарувчилар кенгаши. АҚШдаги деярли барча коллежлар ва университетлар асосан фуқаролардан ташкил топган кенгашлар томонидан бошқарилади. Унда сайланадиган мансабдор шахслар ёки ҳукумат амалдорлари бўлмаса-да айримлари штат губернатори томонидан тайинланади. Одатда бошқарув кенгашлари президент ёки ректор деб аталувчи бош ижрочи директорни тайинлаш учун жавобгардирлар. Биргаликда ишлаш орқали, улар сиёсатни ва бутун тизим учун ўстувор бўлган йўналишларни белгилайдилар, бюджетларни мувофиқлаштирадилар ва ўз юрисдикциясида бўлган муассасалар манфаатларини ҳимоя қиладилар. Кенгашлар одатда муассасанинг энг юқори бошқарув органи бўлса-да, улар ҳокимият ва жавобгарликни президент, факультет ва/ёки талабалар кенгашлари ва бошқа ташкилий тузилмалар билан бўлишади.

Институционал бошқарув

Муайян номланишлар ва тузилмалар муассасаларда турлича бўлса-да, институционал бошқарув одатда қуйидаги ролларни бажаради:

- Президент: Олий даражадаги институционал раҳбар ва маъмур сифатида, президентнинг роли стратегик режалаштириш, молиявий барқарорлик, шунингдек муассасанинг иш унумдорлигини оширишга қаратилган.
- Ректор: АҚШнинг баъзи университет тизимлари бир нечта кампуслардан (талабалар шаҳарчаси) иборат. Бундай ҳолларда, ҳар бир кампуснинг бош маъмури ректор деб аталади ва у тўғридан-тўғри университет тизимининг президентига ҳисобот беради.
- Ўқув ишлари бўйича проректор/бош илмий ходим: У академик масалалар - ўқув дастурлари, илмий изланишлар ва факультет оид ишларга масъул бўлади. Кўпгина проректорлар штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибидан тайинланади. Проректор янги президентни сайлаш вақтида вақтинчали президент вазифасини бажариши мумкин. Ушбу лавозим "проректор" ва "бош илмий ходим" деб номланишдан ташқари "ўқув ишлари бўйича вице-президент" деб ҳам аталиши мумкин.
- Вице-президент: Вице-президент университетдаги раҳбарлик лавозими бўлиб, у бевосита президентга ёки ректорга бўйсунди. У таълим муассасасининг турли ноилмий вазифаларини бажаради, хусусан, молия, кадрлар, талабалар билан ишлаш, ривожланиш ва ахборот технологияларига оид масалаларни назорат қилади. Кўпгина муассасаларда ҳар бир функционал йўналиш бўйича вице-президент мавжуд.
- Декан: Декан коллеж ёки университетнинг илмий бўлимини бошқаради. Декан ушбу бўлимнинг бош маъмури сифатида ўқитувчилар, кафедра мудирлари, бўлим ходимлари, талабалар ва университет раҳбарлари ўртасида воситачи бўлиб, ўзаро алоқани таъминлайди. Улар одатда профессор-ўқитувчилар таркибидан тайинланади.
- Кафедра мудир: Аксарият ўқув юртларида илмий-ташкилий тузилманинг асосий бўлими кафедра ҳисобланади (кўпинча фан, соҳа ёки фанлар гуруҳига бўлинади) ва кафедра мудир томонидан бошқарилади. Кафедра декан ва кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида алоқа ўрнатади.

Илмий даража турлари

Кичик мутахассис даражаси

Икки йиллик коллежлар ва оз сонли тўрт йиллик таълим муассасалари одатда 60 семестрлик кредитлар тугагандан сўнг кичик мутахассис даражасини беради. Кичик мутахассис даражаси касбий соҳадаги энг юқори даража бўлиши ёки талабаларни тўрт йиллик ўқув юртидаги бакалаврлик даражасини тамомлашга тайёрлаши мумкин.

Бакалаврлик даражаси

Бакалаврлик даражаси - бу энг кўп бериладиган илмий даража бўлиб, у талабаларни ўрта таълимдан кейинги таълим талаб этиладиган аксарият иш ўринларига тайёрлайди ҳамда кейинчалик аспирантурада ўқиш учун зарурий шарт ҳисобланади. Анъанавий бакалаврлик даражаси учун тўрт йиллик кундузги таълим (санъат ёки фан йўналишида) талаб этилса-да, баъзи коллеж ва университетлар муайян соҳаларда бакалаврлик даражасини беради. Бунга, айниқса,

таълим бакалаври, ҳамширалик иши бакалаври ёки ижтимоий иш бакалаври каби касбий концентрация ҳолатлари мисол бўла олади.

Магистрлик даражаси

Магистратурада соҳадан келиб чиққан ҳолда бакалаврлик даражасидан ташқари бир ёки икки йил ўқиш талаб этилади. Магистрлик даражалари одатда узоқ илмий ишларни, магистрлик диссертациясини ёки бошқа оригинал ишни ўз ичига олса-да, баъзи касбий даражалар учун бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Касбий даражалар кўпинча йирик, оригинал, курс тадқиқот лойиҳасига қўшимча равишда ёки унинг ўрнига ушбу соҳадаги тажриба (амалий тажриба)ни талаб этади. Санъат магистри (MA) ва фан магистри (MS) билан бир қаторда, таълим (MEd), бизнес бошқаруви (MBA), ҳамширалик иши (MSN) ва тасвирий санъат (MFA) соҳаларида кўплаб даражалар берилади. MFA одатда ушбу соҳадаги энг юқори илмий даража ҳисобланади.

Докторлик даражаси

Докторлик даражаси АҚШ университетлари томонидан бериладиган энг юқори илмий даража бўлиб, аксарият соҳаларда охириги даража ҳисобланади. Тадқиқот соҳаларида одатда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилади. Ушбу даража бакалаврлик даражасидан ташқари камида икки-уч йиллик курс ишини, кенг қамровли ёзма ва оғзаки имтиҳонларни муваффақиятли якунлашни ва диссертация шаклида (бошқа мамлакатларда одатда "диплом иши" деб аталади) йирик тадқиқот лойиҳасини талаб қилади. Ушбу диссертация муаллиф томонидан соҳага киритилган унинг ўзига хос ҳиссаси ҳисобланади. Таълим соҳасида докторантлар фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (EdD) илмий даражасига эга бўлишлари мумкин. Иккинчиси камроқ илмий изланишга ва кўпроқ амалиётга йўналтирилган. Докторлик даражаси тиббиёт, стоматология, ҳуқуқшунослик ва илоҳиёт соҳаларида ҳам берилади, аммо бу даражалар чуқур билимга эгалликни эмас, балки интенсив касбий тайёргарликни англатади.

Таълим муассасаларининг турлари

АҚШ институционал турлар тузилмасини тушуниш мураккабдир. Энг кенг тарқалган олий таълим тоифаларига масъул бўлган иккита асосий ташкилот мавжуд, булар – Таълим статистикаси миллий маркази (NCES) ва Карнегининг Олий таълим муассасалари таснифи. Энг юқори даражада, муассасалар давлат ёки хусусийга ажратилади. АҚШда NCES томонидан белгиланган давлат ва хусусий таълим муассасалари (2018):

Давлат таълим муассасаси

Дастурлари ва фаолияти жамоатчилик томонидан сайланган ёки тайинланган мансабдор шахслар томонидан бошқариладиган ва асосан давлат томонидан молиялаштириладиган таълим муассасаси.

Хусусий муассаса

Шахс(лар) ёки нодавлат ташкилот томонидан назорат қилинадиган, асосан нодавлат жамғармалар томонидан молиялаштириладиган ва жамоатчилик томонидан сайланмаган ёки тайинланмаган мансабдор шахслар томонидан бошқариладиган таълим муассасаси.

Хусусий муассасалар орасида NCES нотижорат ва тижорат муассасаларни қуйидагича аниқлайди:

Хусусийнотижоратмуассасаси

Бу шундай муассасаси, унда шахс(лар) ёки назорат остидаги ташкилот ўз фаолияти натижасида фақат иш ҳақи, ижара тўлови ва таваккалчилик билан боғлиқ бошқа харажатлар учунгина компенсация олади. Булар қаторига ҳам мустақил нотижорат таълим муассасалари, ҳам диний ташкилот билан боғлиқ муассасалар киреди.


Хусусий тижорат муассасаси

Бу шундай муассасаси, унда шахс(лар) ёки назорат остидаги ташкилот ўз фаолияти натижасида иш ҳақи, ижара тўлови ва таваккалчилик билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташқари ҳам компенсация олади.

NCES берган маълумотларга кўра, федерал молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари (Title IV)да иштирок этиш ҳуқуқига эга ва кичик мутахассис ва юқорироқ илмий даражани берувчи ўрта таълимдан кейинги таълим муассасалари илмий даража бериши мумкин. Таълим муассасаси молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этиши учун камида 300 соатлик дастурни тақдим қилиши, АҚШ Таълим вазирлиги томонидан тан олинган аккредитацияга эга бўлиши, камида икки йил ишлаган ҳамда вазирлик билан иштирок этиш тўғрисидаги келишувни имзолаган бўлиши керак.

Илмий даража берадиган коллеж ва университетлар кўпинча икки йиллик ёки тўрт йиллик таълим муассасалари деб аталади. Икки йиллик таълим муассасалари кичик мутахассис даражасини беради ҳамда жамоат ёки техник/касб-ҳунар коллежлари ҳисобланади. Тўрт йиллик таълим муассасалари бу бакалаврлик, магистрлик ва/ёки докторлик даражаларини берадиган коллеж ва университетлардир. Гарчи икки ва тўрт йиллик таълим исталган таълим муассасасида энг қуйи илмий даражани олиш учун одатий ўқиш муддати бўлса-да, улар дастур ва диплом сиёсатида ҳар доим ҳам мос келмайдиган шартли номлар ҳисобланади.

Таълим муассасаларининг турлари бўйича АҚШ олий таълим тизими



Таълим учун тўлов ва йиғимлар

АҚШ олий таълимида тўлов ва бадаллар тизими мураккабдир. Талабалар ўқиш шарт-шароит ва нархи турлича бўлган кўп сонли таълим муассасаларидан ўзига маъқулини танлаши мумкин. Тўлов ва бадаллар коллеж ёки университет турига қараб фарқланиши сабабли, давлат ва хусусий муассасалар ёки танлов шартлари оғир ва енгилроқ бўлган таълим муассасаларининг тўлов миқдори ўртасидаги тафовут катта бўлиши мумкин.

Давлат коллежида бир йиллик таълим тўлови атиги 1500 долларни ташкил қилиши мумкин. Бироқ танлов шартлари оғир бўлган хусусий муассасада тўлов 40 000 доллар ва ундан кўп бўлиши мумкин. Агар талабалар ўз кампусига эга таълим муассасасида таҳсил олишса, у ҳолда улар таълим харажатларидан ташқари хона ва овқатланиш учун ҳам ҳақ тўлашларига тўғри келиши мумкин.

Давлат таълим муассасаларида ўқиш ҳақи одатда хусусий муассасаларникига қараганда камроқ. Бироқ, давлат муассасаларида резидентлик мақомидан (талаба ўқишга қабул қилинишидан аввал, муассаса жойлашган штатнинг доимий резиденти эканлиги ёки доимий резиденти эмаслигидан келиб чиқиб) келиб чиққан ҳолда талабалар таълим учун турли миқдорда ҳақ ва бадаллар тўлашади. Штатнинг доимий резиденти бўлмаган талабалар кўпинча ўқишга юқори ставкаларда ҳақ тўлашлари лозим, чунки ўқиш мобайнида улар ёки уларнинг оилалари ўрта таълимдан кейинги таълим харажатларини қоплайдиган штат (муассаса жойлашган) солиқларини тўламайди.

Умуман олганда, АҚШ олий таълим тизими серхаражат, тез ёрдам кўрсатувчи тизим бўлиб, молиявий ёрдам тузилмалари кенг кўлимли ва мураккабдир. Молиявий ёрдам федерал ҳукумат муҳим роль ўйнайдиган кам сонли соҳалардан биридир. Ҳукумат молиялаштиришни таъминлайди, қарзларни тартибга солади ва бошқаради ва алоҳида талабалар, муассасалар ва штатларга дахлдор бўлган назорат сиёсатини олиб боради.

Маҳаллий талабалар учун молиявий ёрдам – бу ҳадея ва ўзига ўзи ёрдам беришнинг бирикмасидир. Яъни, бунда таълим учун тўлов камайтиради ва қарзни қайтаришни талаб этмайди. Бундай ҳадея кўринишидаги ёрдамларга ҳукумат, муассаса томонидан молиялаштириладиган грантлар, хусусий грантлар ва стипендиялар киради. Грантлар, биринчи навбатда, талабанинг молиявий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилади, стипендия эса асосан талабанинг эришган ютуқлари (илмий, спорт, бадий ва бошқа соҳаларда) учун берилади.

Ҳаммаси бўлиб, АҚШ Таълим вазирлиги ҳар йили турли кўринишдаги молиявий ёрдамга 120 млрд доллар сарфлайди. Аммо ўрта таълимдан кейинги таълим харажатлари ҳукумат ва ҳаттоки хусусий молиявий ёрдамдан кўпни ташкил этмоқда. Сиёсатчилар, олий таълим мутахассислари ва жамоатчилик федерал молиявий ёрдам тизими яхшиланишга муҳтожлигини тан олишмоқда, айниқса бу талабаларга ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ариза бериш ва баҳолаш жараёнларига тааллуқли.

Таълим учун тўлов, бадаллар, яшаш ва озик-овқат харажатларининг йиллик ўртача суммаси

	Таълим учун тўлов, бадаллар, яшаш ва озиқ-овқат харажатларининг умумий суммаси			Таълим учун тўлов ва бадаллар		
	Барча таълим муассасалари	4 йиллик	2 йиллик	Барча таълим муассасалари	4 йиллик	2 йиллик
Давлат	17,237	19,488	10,091	6,817	8,804	3,156
Нотижорат	44,551	44,702	25,252	32,556	32,720	15,293
Тижорат	25,431	25,532	25,027	14,419	14,423	14,397

Таълим муассасаларининг молия манбалари

Таълим учун тўлов ва бадаллар АҚШ таълим муассасалари даромадининг фақат бир қисмини ташкил этади. Молиялаштириш манбаларига қуйидагилар киради:

- Талабалар тўлайдиган таълим учун тўлов ва бадаллар;
- Федерал ҳукумат;
- Штат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари;
- Хайрия фондлари/хусусий ҳадялар;
- Савдо-сотиқ ва бошқа хизматлар;
- Бошқа манбалар.

Ушбу даромад манбаларининг аҳамияти таълим муассасасининг турига қараб фарқ қилади.

Федерал молиялаштириш умумий институционал ёрдам сифатида таъминланмайди, аммо деярли барча турдаги муассасаларга таъсир қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у ўрта таълимдан кейинги таълимнинг операцион бюджетига маблағ олиб келмаса-да, федерал ҳукумат грантлар ёки кредитлар кўринишида коллеж талабаларига молиявий ёрдам беришда асосий роль ўйнайди. Талабалар эса бу маблағни таҳсил олиш учун сарфлайди. Федерал маблағлар, шунингдек, муассасаларда муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танлов асосида тадқиқот таклифлари, грантлар ва шартномалар орқали муассасаларга берилади.

Штат ва маҳаллий молиялаштиришда, аксинча, умумий институционал ёрдам кўрсатилади, аммо хусусий муассасаларга қараганда давлат муассасаларига ёрдам кўпроқ кўрсатилади. Масалан, штат ва маҳаллий ҳокимиятлар одатда коллеж ва университетларда тўғридан-тўғри жорий ёрдамнинг катта қисмини кўрсатади - уларнинг кўпида 30 фоиздан кўпроқ. Бироқ, бу сумма давлат харажатлари улушида ҳам, институционал даромаднинг фоизида ҳам камаймоқда. Бунга жавобан штатлар ҳукуматлари ва давлат таълим муассасалари таълим учун тўловни ошириб, ўрта таълимдан кейинги таълим харажатларини солиқ тўловчилардан талабалар зиммасига юкламоқда.

Хусусий муассасаларга штат ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатиладиган тўғридан-тўғри ёрдам институционал даромаднинг 2% ёки ундан кам қисмини ташкил қилади. Талабалардан

олинадиган таълим учун тўловлар ва бадаллар хусусий муассасаларга кўпроқ даромад келтиради. Бироқ, давлат муассасаларида бўлгани каби, таълим учун тўловнинг мунтазам ўсиши ҳозирда инфляцияни сезиларли даражада ортида қолдирди ва талабалар/оилалар даромадлари, шунингдек, давлатнинг молиявий ёрдам учун мўлжалланган мавжуд маблағлари суммасигача ошди. Кўпгина кичик хусусий муассасалар ўзларини молиявий таъминлаш учун курашмоқдалар, баъзилари эса сўнгги йилларда ёпилди ёки бошқа муассасалар билан бирлашдилар.

Давлат томонидан молиялаштириш пасайиши ва таълим учун тўлов инфляция даражасидан ошиб кетиши сабабли, таълим муассасалари ўзлари кўрсатадиган хизматларни қисқартиришга, самарадорликни оширишга ёки янги даромад манбаларини яратишга мажбур бўлмоқдалар. АҚШ коллежлари ва университетлари ҳам даромад манбаларини диверсификациялаш ва кенгайтириш йўлларини излаб, қатор соҳаларда фаолият юритмоқдалар, хусусан, онлайн таълим, тор соҳага ихтисослашган илмий даража берадиган ва илмий даража бермайдиган ўқув дастурларини ривожлантириш, тадқиқот ўтказиш имкониятларини кенгайтириш, лицензион ва ҳомийлик келишувларида иштирок этиш ва ёрдамчи корхоналарни ташкил этиш, масалан, кўчмас мулк ва конференц-марказларни бошқариш.

Ва ниҳоят, хусусий хайриялар АҚШ коллежлари ва университетлари учун тобора муҳим даромад манбаи бўлиб бормоқда. Бошқа аксарият олиш таълим тизимларида бундай даромад манбаи мавжуд эмас. Хайрия маблағлари битирувчилар, битирувчи бўлмаган шахслар, жамғармалар, корпорациялар, бошқа ташкилотлар ва озроқ даражада диний ташкилотлардан келиб тушади. Олий таълим учун давлат маблағларининг қисқариши, хусусий муассасалар учун азалдан муҳим бўлган хусусий хайрияларни давлат муассасалари учун ҳам ўта муҳим даромад манбаи даражасига кўтармоқда.

Ушбу хайриялар хусусий маблағлар ҳисобидан шаклланиб, улар таълим муассасасини келажакда доимий равишда қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Аксарият ҳолларда хайрия эгаси маблағ инвестиция кўринишида киритилишини ва фақат шу инвестициялардан келадиган даромад сарфланиши мумкинлигини, баъзан ушбу даромад маълум мақсадга йўналтирилишини олдиндан шартлашиб олади. Жамоатчилик эътибори кўпинча катта хайрия маблағларига эга нисбатан кам сонли коллеж ва университетларга қаратилган бир пайтда, аксарият таълим муассасалари фақат камтарона хайрия маблағларига эга бўлади ёки умуман умуман ҳеч қандай хайрия маблағига эга бўлмайди.

Илмий-тадқиқот ишлари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, АҚШ олий таълим тизими 5000 га яқин илмий даража берувчи ўқув юртлигини қамраб олган. Аммо, 2018 йилга келиб, Карнеги таснифига кўра улардан фақат 270 таси тадқиқот университетлари сифатида тан олинган. Илмий-тадқиқот муассасалари докторлик илмий даражасини берувчи муассасалар гуруҳига кириб, кейинчалик қуйидаги икки тоифага бўлинади:

- R1 тадқиқот муассасалари: Иккита кўрсаткич - тадқиқот фаолияти ва тадқиқот фаолияти учун жон бошига тўғри келган ресурслар бўйича жуда юқори даражага эга бўлган 130 га яқин муассаса; ва

- R2 тадқиқот муассасалари: Ушбу икки кўрсаткичдан бири - тадқиқот ўтказиш имкониятини аниқлаш ва тадқиқот ўтказувчи профессор-ўқитувчилар сонини аниқлаш бўйича юқори даражага эга бўлган 139 га яқин муассаса.

Илмий-тадқиқот университетлари АҚШ ва бутун дунёдаги энг обрўли муассасалар гуруҳи ҳисобланади. Аксарияти турли миллий ва дунё университетлари рейтингда биринчи ўринларни эгаллайди. Гуруҳ сифатида улар глобал иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминловчи илмий кашфиётлар ва технологик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Одатда R1 ва R2 университетларида вице-президент ёки шунга ўхшаш юқори раҳбарлик лавозими жорий қилинган бўлиб, ушбу лавозимни эгаллаб турган шахс муассасанинг тадқиқот портфелини бошқаришга жавобгардир. Тадқиқот ўтказиш ушбу университетлардаги профессор-ўқитувчилар фаолиятининг асосий қисми бўлиб, тадқиқот натижалари лавозимга кўтарилиш ва лавозимни эгаллаш мезони сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Тарихдан маълумки, АҚШ федерал ҳукумати университетларнинг илмий тадқиқотларини молиялаштиришда муҳим роль ўйнаган. Америка илм-фанни ривожлантириш уюшмаси (AAAS) хабар беришича, ҳукумат XX асрнинг ўрталаридан бошлаб университетларнинг аксарият тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштириб келган ва 1960-йилларнинг охирида бу кўрсаткич 73 фоизга этган. Сўнгги бир неча ўн йилликда бу кўрсаткич пасайиб, бугунги кунда у тахминан 60 фоизни ташкил этмоқда (AAAS н.д.).

Шу билан бирга, саноат томонидан илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш улуши 1960-йиллардаги 3 фоиздан бугунги кунда 6 фоизгача кўтарилди. Сўнгги ўн йилликларда университетларнинг ўзлари томонидан ҳам қўллаб-қувватлаш кучайди - 1960-йилларнинг охиридаги 10 фоиздан бугунги кунда 20 фоизгача. Миллий илмий жамғарма (NSF)нинг сўнгги маълумотларига кўра, "университетлар томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларининг йиллик умумий ҳажми ҳозирда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда 55 млрд доллардан ошади, университетларнинг ўзлари эса тахминан 12 млрд долларга баҳоланади".

Академик календарь, кредит-баҳолаш тизими

АҚШ коллежлари ва университетларида айрим ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, академик календарлар ва кредит тизимлари алоҳида муассасалар томонидан белгиланади. Баъзи штатлар қонун чиқарувчи органлари давлат муассасалари учун кўрсатмаларни белгилайдилар, аммо умуман олганда, амалдаги тизимлар асосан индивидуал равишда белгиланиб, давлат назоратисиз ва келишилганлик мажбуриятисиз ишлайди.

АҚШнинг аксарият олий ўқув юртлари ўқув йилида 15-16 хафта давом этадиган икки семестрга бўлинган ҳолда ишлайди. Декабрь ва январь ойларида 2-3 ҳафталик қишки таътил, июнь, июль ва август ойларида 10-12 ҳафталик ёзги сессия ҳамда кўшимча қисқа таътилар мавжуд. Айрим муассасалар йилни тўртта сессияга бўладиган чораклик тизимдан ёки ўқув йили уч сессиядан ва 10–12 ҳафталик ёзги таътидан ёки махсус таклиф қилинган курслар учун вақтдан иборат бўлган триместр тизимдан фойдаланадилар.

Кредит тизими

Одатда семестр календаридеги бакалавриат дастурининг ўқув дастури талабалардан камида 120 кредит соатини тўплашни талаб қилади. Курсга тўлиқ вақтга ёзилиш одатда семестрда 15 кредит соатига/ўқув йилига 30 кредит соатига тўғри келади ва камчиликлар ёзги сессияларда ёки мустақил ўқиш орқали тўлдирилиши мумкин. Ушбу кредит соатлари тахминан 30-40 курсга тенг бўлиб, фан ёки санъатга тааллуқли бўлмаган камида 5400 амалий машғулот соатини ташкил қилади. Илм-фан, муҳандислик, тасвирий санъат ва ижро санъати дастурлари битирувчилари учун бу давомийлик анча кўп бўлади. Аксарият таълим муассасаларида кундузги бўлимда тахсил олувчи юқори курс талабалари учун бу муддат 4 йилни ташкил этади (АҚШдан ташқарида кўплаб дастурларнинг умумий давомийлиги 3 йил).

Одатда магистр даражасига эга бўлиш учун камида 33 кредит соати талаб қилиниб, у тадқиқот диссертация ёки якуний лойиҳани ўз ичига олади. Бу 4000 соатдан ортиқ назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган (мустақил тадқиқот) тадқиқотни англатиб, одатда бир йилдан икки йилгача давом этади.

Докторлик дастури магистрлик даражасидан ташқари 8000 ёки ундан ортиқ соатлик чуқур тадқиқотларни ўз ичига олиши мумкин. АҚШ дастурларининг аксариятида докторлик дастурининг охирида муайян ҳажмдаги диссертация ёки диплом иши талаб этилиб, у тадқиқотчининг фанга ёки билим соҳасига қўшган мустақил ҳиссаси ҳисобланади. Ушбу анъанадан фарқли равишда бир нечта дастурлар амалиётга асосланган ютуқларни намойиш этишни кўзда тутаяди ёки талабаларга битта диплом иши эмас, балки бир нечта нашр этилган илмий мақолаларни тақдим этиш имконини беради. Аммо диссертация докторлик дастурларини якунловчи ва илмий даражаларни тасдиқловчи энг муҳим лойиҳа бўлиб қолмоқда.

Баҳолаш тизими

Академик календарлар ва кредит тизимлари сингари, баҳолаш сиёсати ҳам жуда индивидуал бўлиб, ҳатто битта ўқув юрти доирасида ҳам сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Кўпинча кафедралар ва ҳатто бир кафедра таркибидаги айрим профессор-ўқитувчилар ўз дастурлари ва курсларида баҳолаш шкаласини ўзгартириш ваколатига эга. Аниқ баллар ва фоизлар турлича бўлишига қарамай, курсларда баҳолаш одатда уч тоифага бўлинади: нормага асосланган, мезонга асосланган ва "зачёт топширди/зачёт топшира олмади" баҳолаш тизими.

Нормага асосланган баҳолаш тизими (одатда "эгри чизиқ орқали баҳолаш" деб номланади) олдиндан белгиланган формулага асосланиб, бунда гуруҳдаги барча талабалар фоизи ёки ўзаро нисбати ҳисобга олинади ва ҳар бир талаба баҳоланади.

Нормага асосланган баҳолаш (Мисол)

A (Аъло)	= Гуруҳнинг энг зўр 10% талабаси
B (Яхши)	= Гуруҳнинг кейинги 20% талабаси
C (Ўрта, Қониқарли)	= Гуруҳнинг кейинги 30% талабаси
D (Ёмон, Ўтди)	= Гуруҳнинг кейинги 20% талабаси
F (Ўтмади)	= Гуруҳнинг энг қуйи 20% талабаси

Мезонга асосланган баҳолаш тизими одатда ҳарф билан ифодаланган белгига тенглаштирилган қатъий рақамли шкалага асосланиб, у бўйича ўқитувчилар ҳар бир талабани унинг ўзлаштириш даражасига қараб баҳолайди.

Мезонга асосланган баҳолаш (Мисол)

A (Аъло)	= 95-100	ёки	90-100
B (Яхши)	=85-95	ёки	80-90
C (Қониқарли)	=75-85	ёки	70-80
D (Ёмон)	=65-75	ёки	60-70
F (Ўтмади)	<65	ёки	<60

"Зачёт топширди/зачёт топшира олмади" баҳолаш тизими АҚШнинг баъзи дастурлари ва муассасаларида қўлланилади, жумладан, талабанинг баҳоланаётган иши жуда субъектив бўлса (масалан, тасвирий санъат ва мусиқа соҳаларида); умум қабул қилинган стандарт градациялари йўқ (масалан, мустақил тадқиқотлар билан); ёки ягона қониқарли стандартга жавоб бериш критик талаб ҳисобланади (масалан, баъзи касбга оид имтиҳонларда ва амалиётда).

Баҳони конверсиялаш воситалари

АҚШда кредит соатлари тизими дунёдаги аксарият тизимлардан фарқ қилиб, улар талабалар алмашинувига, шунингдек АҚШда жойлашмаган муассасалар билан қўшма дастурлар ёки қўш диплом олиш дастурларини ўрнатишга таъсир кўрсатиши мумкин. АҚШнинг баъзи таълим муассасалари, масалан, Жанубий Каролина университети (USC) Кредитларни конверсиялаш бўйича халқаро қўлланмани таклиф этади. У халқаро таълим орқали талабалар ва ўқитувчилар олган USC кредитини ҳисоблаш учун восита бўлиб хизмат қилади.

АҚШ Таълим вазири ва Таълим портали АҚШнинг кредит соатлари тизими, дунёнинг бошқа тизимлари билан таққослашга оид маълумотларни ҳамда конверсиялаш бўйича кўрсатмаларни тақдим этади.

Дунё таълим хизматлари (WES) веб-сайтида iGPA (халқаро ўртача балл) калькулятори мавжуд бўлиб, у АҚШда қўлланиладиган 4.0 баллик шкалада баҳоларни таққослаш имконини беради. Конверсиялар муайян мамлакатда қўлланилувчи энг кенг тарқалган баҳо шкаласига асосланган.

Яна бир фойдали восита - бу халқаро GPA калькулятори бўлиб, АҚШдаги ўртача балларни (GPA) ҳисоблаш учун фойдаланилади. GPA – бу АҚШ университетидеда ўқиш пайтида 0,0-4,0 шкала оралиғидаги баҳолардан ҳосил бўлган сон бўлиб, бунда дунёнинг исталган мамлакатидедаги университет баҳолари ёки балларидан фойдаланилади.

Таълим дастури

Бакалавриат таълим дастури одатда учта таркибий қисмдан иборат: умумий таълим, асосий таълим йўналиши ("ихтисосликка оид курслар") ва факультатив фанлар. Умумий таълим асосий таълим дастури бўйича амалга оширилиб, муассасадаги барча талабаларга бир хил курслар ўқитилади. Шунингдек, умумий таълим тақсимот шакли бўйича ҳам амалга оширилиб, унда талабалар олдиндан белгиланган рўйхатдан курсларни танлашади. Рўйхатдан ижтимоий ва

санъатга оид курслар ўрин олади. Умумий таълимда жами курсларнинг 25-50% ўқитилиши талаб этилиб, курсларнинг аниқ сони таълим муассасанинг ва талабанинг таълим дастуридан келиб чиқиб белгиланади. Қолган курслар талабанинг ихтисослигига оид курслардан иборат бўлади.

Одатда талабалар, таълим муассасасининг сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, ихтисосликни ўқишга қабул қилинган ёки иккинчи ўқув йилининг охиригача танлайдилар. Агар талабаларнинг қизиқишлари ўзгарса, улар ўз ихтисослигини ўзгартириши ва даражани олиш учун олган кредитларининг катта қисмини сақлаб қолишлари мумкин. Умумий таълим ва ихтисослик кредити талабларидан келиб чиқиб, талабалар, агар белгиланган талабга жавоб берса, исталган соҳа ёки бўлимдаги курсларни танлаши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурлари кўпинча талабаларнинг билими ва ўқишда эришган ютуқларини тасдиқлайдиган яқуний тажрибани олишга қаратилган. Камдан-кам ҳолларда бу йиғма фаолият имтиҳон шаклида амалга оширилади. Кўпинча, бу ихтисосликка ёки ихтисосликдаги фанлараро семинарга оид тадқиқот иши, комплекс гуруҳ лойиҳаси, жамоада олиб борилган узоқ муддатли хизмат бўлади. Тобора амалиётда талабалардан олдинги курслар ва синфдан ташқари машғулотлардаги энг яхши ишларининг электрон портфелини тақдим қилиш сўралмоқда.

Магистратура таълим дастури жуда хилма-хилдир, аммо АҚШнинг бакалавриат таълим дастурларидан фарқли ўлароқ, у талабанинг танлаган соҳаси ёки соҳасига оид кичик соҳаларга, шунингдек индивидуал мақсадлари ва қизишларига кўпроқ мослаштирилган. Турли ўқув юртларидаги бир соҳага оид дастурлар ўхшаш курслардан иборат бўлишига қарамай, магистратура ёки докторантурада ўқиш адабиёт, биокимё, иқтисодиёт ва информатика йўналишларида фарқ қилади. АҚШнинг бакалавриат дастурларидан фарқли ўлароқ, магистратура таълимидаги барча курс ишлари талабаларнинг танлаган соҳасига қаратилган ёки унга бевосита боғлиқ. 1-3 йил магистратурада курс иши устида ишлаш учун баъзи курслар талаб қилинади, аммо кўп курслар одатда талабалар томонидан, уларнинг касбий ёки илмий изланишларига мос равишда, танланади. Магистратура таълим дастури асосан курсга асосланган, аммо юқорида таъкидланганидек, асосан курс иши, илмий иш ёки амалий машғулот билан яқунланади. Докторантура таълим дастури одатда 2 ёки 3 йиллик мажбурий ва факультатив курс иши, сўнгра диссертацияни яқунлаш учун бир неча йиллик мустақил тадқиқот ҳамда ёзма ва оғзаки имтиҳондан иборат бўлади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби

АҚШда "факультет" атамаси коллеж ва университет профессор-ўқитувчиларини англатади. Бошқа кўплаб мамлакатларда эса у мактаб, коллежга ёки муассаса ичидаги бўлимга нисбатан ишлатилади. Ўқитувчиларнинг мажбуриятлари одатда учта асосий тоифага бўлинади: ўқитиш, илмий-тадқиқот ва кампус ва/ёки жамоа ишида иштирок этиш. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг иши ўзаро фарқланади. Ўқитувчилар томонидан ушбу 3 тоифага ажратилаётган вақт ва эътибор улар ишлаётган муассасанинг миссияси, академик фан ҳамда уларнинг даражаси, унвонига боғлиқ. Масалан, жамоат коллежларида ўқитувчилар кўпроқ дарс беришади ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланишади, илмий тадқиқот университетларининг кўпгина катта ўқитувчилари юқорида таъкидланган икки соҳага қараганда кўпроқ тадқиқотлар билан шуғулланишади.

АҚШ таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар ролининг асосида муассасанинг доимий штатига ўтказиш концепцияси ётади. Академик тенюр (доимий асосда лавозимни эгаллаш) - бу муддатсиз академик лавозимга тайинлаш бўлиб, у фақат фавқулодда ҳолатларда, масалан молиявий жиҳатдан зарурат пайдо бўлганда ёки муайян академик дастурни тўхтатиш талаб этилганда ўз кучини йўқотиши мумкин.

АҚШ олий таълим тизимида тенюр - бу вақт билан синалган қадрият бўлиб, академик эркинлик принципини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Академик эркинликнинг мақсади илмий-педагогик ходимлар фаолиятини ҳимоя қилиш ва қонунийлаштириш, улар сифатли таълим олишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи мунозараларни қўллаб-қувватлаш ва академик жамоатчилик ичида очиқ фикр алмашинувини таъминлашдир.

Академик эркинликнинг асосий ҳимояси институционал сиёсатда, шунингдек, олий ўқув юртлари билан уларнинг илмий ходимлари ўртасидаги шартномавий муносабатларда акс эттирилади - бу муассасадаги маъмурий ходимларга тааллуқли эмас. Гарчи судлар академик эркинликни ҳимоя қилиш масалаларида иштирок этишлари мумкин бўлса-да ҳамда Америка университетлари ўқитувчилари уюшмаси (AAUP) каби профессионал ташкилотлар ҳам бу масалада роль ўйнаса-да, АҚШда академик эркинликнинг кундалик бошқаруви энг аввало коллеж ва университетлар раҳбарияти зиммасига юклатилган.

Бироқ, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида, доимий асосда эгалланадиган лавозимлар сони камайиб, профессор-ўқитувчиларнинг контингенти ортмоқда - ҳам қисман, ҳам тўлиқ бандлик асосида (муддатсиз лавозимга тайинлаш эмас). Ушбу тайинлашларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар олдида ўзоқ муддатли мажбуриятларни деярли олмаяпти ҳамда Америка олий таълимида профессор-ўқитувчилар тайинланишининг 70 фоизидан ортиғида доимий асосда лавозимни эгаллаш кўзда тутилмаган.

Муддатсиз/муддатли лавозимга тайинланишга кўра профессор-ўқитувчиларнинг даражаси ва унвони

	Муддатсиз лавозимни эгаллаш	Муддатли лавозимни эгаллаш
Тўлиқ бандлик	Профессор Доцент Катта ўқитувчи Фақат илмий тадқиқот билан шуғулланувчи профессор	Ўқитувчи Инструктор Амалиётчи профессор Фақат илмий тадқиқот билан шуғулланувчи профессор
Қисман бандлик	Фахрий профессор (нафақага чиққан, аммо ҳанузгача таълим муассасаси билан алоқада бўлган ўқитувчига бериладиган фахрий унвон, қисман бандлик билан ишлаши мумкин)	Адъюнкт-профессор Ўқитувчи Инструктор

Ўқитиш ва таҳсил олиш

Илғор тажрибанинг замонавий тамойиллари маърузаларни тинглаш билан боғлиқ пассив режимлардан кўра фаол таълимга урғу бермоқда. Фаол таълим натижасида талабалар

вақти-вақти билан саволлар бериш, мунозарага киришиш ва баъзан смартфон ёки ноутбуклар орқали таҳсил олиш имконига эга бўлади. Мунозара бўлимларида ва ҳатто катта маъруза дарсларида талабаларга синфда кичик гуруҳларда ишлаш ёки дарсдан ташқари машғулотларда кўпроқ вазифаларни бажариш топширилади.

Фаол таълим шунингдек синфдан ташқарида ҳам олиб борилади. Бакалаврият талабалари кўпинча илмий лойиҳалар устида ишлашда, хоҳ жамоа бўлиб, хоҳ мустақил равишда, ўқитувчилар билан ишлаш имкониятига эга. Йирик тадқиқот университетлари, шунингдек танлаб олинган ижтимоий коллежлар талабалар учун бакалавриятда ўқиш давомида тадқиқот тажрибасини бериши мумкин.

Тобора инструкторлар ўз ўқув курсларини ишлаб чиқишда талабаларнинг маҳаллий жамоалардаги ишларидан фойдаланмоқда. Иш маҳаллий ижтимоий хизмат кўрсатиш агентлиги билан ҳамкорликда ёки таълим муассасасини илмий жиҳатдан бойтадиган ва амалий фойда келтирадиган бизнес лойиҳаларда талабалар иштирок этиши орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу *ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш орқали ўрганишдан сўнг дарсларда мунозаралар бўлади ва кўпинча шахсий фикрларни акс эттирувчи хатлар ёзилади. Бу хизмат синфда ўрганилган билимни жамият ҳаётида татбиқ этишга, талабаларга улар ишлаши мумкин бўлган муҳитда тажриба беришга ва адолатли фуқаролик қадриятларини сингдиришга интилади.*

Кўпгина докторлик дастурларида аспирантлар ўз таълимнинг бир қисми сифатида ҳамда таълимни молиялаштириш мақсадида ўқитувчилик фаолиятини олиб боради. Ушбу талабалар факультетда ассистент (ТА) сифатида ишлаб, курсларни ёки курслар секцияларини олиб боради ва баъзан ўз курсларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш имкониятига эга бўлади. ТА учун қўллаб-қувватлаш ва педогогик тайёрлаш кўлами кампуслар ва кампусдаги бўлимлар ўртасида фарқланади. Бироқ, ТАга ўқитишни ва ўз талабаларини яхшироқ тушунишни ўргатувчи дастурлар тобора кўпайиб бормоқда ва кўпинча улар кампуснинг ўқув марказларида жойлашган.

Факультатив машғулотлар

Синфда анъанавий ўқитишдан ташқари, АҚШ таълим муассасаларида факультатив машғулотлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар таълим дастурига ёки асосий таълим жараёнига қўшимча бўлади. Улар баҳоланмайди ва талабаларга одатда улар бўйича академик кредит берилмайди. Шунга қарамасдан, ушбу машғулотлар АҚШ ўқув юртлирининг талабаларни ривожлантиришга яхлит ёндашуви, шунингдек, синфларда ўқишни кучайтириш ва тўлдиришнинг муҳим жиҳатидир.

АҚШ коллежлари ва университетларида факультатив машғулотларнинг тоифалари ва уларга мисоллар:

- Илмий йўналтирилган гуруҳлар ёки клублар - Қора танли муҳандислар миллий жамияти ёки Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Америка талабалари жамияти;
- Маданий ва диний бирлашмалар - Мусулмон талабалар жамияти ёки Осиё талабалари уюшмаси;
- Ижтимоий ташкилотлар - талабалар жамоат ташкилотининг ҳаммага маълум тури - бу юнон қардошлик жамияти;

- Талабалар ҳукумати - кампусдаги расмий, тан олинган талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органи.

Магистратура талабаларининг аксарияти кампусда яшамаслиги боис улар факультатив машғулотлар билан жуда кам шуғулланади. Фаолият илмий ёки касбий хусусиятга эга бўлиб, кўп жиҳатдан муассаса томонидан маъмурий ва молиявий ресурслар ажратилишига боғлиқ. Ушбу ресурслар талаба ривожланишининг устувор йўналишларини белгилайди.

Қўллаб-қувватлаш хизматлари

Америкадаги тўрт йиллик коллеж ва университетларнинг аксарияти ўқув йили давомида талабаларни турар жой билан таъминлайди. Ушбу талабалар ётоқхоналарда, овқатланишни ташкил этиш ва ухлаш хоналари билан таъминлаш бир қаторда, талабаларга ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш ёки спиртли ичимликларни суиистеъмом қилиш хавфини ўрганиш каби турли хил илмий ва ижтимоий мавзуларда дастурлар тақдим этилади.

Бундан ташқари, ўқув юртлари талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор хизматларни кўрсатади. Уларга баъзи мисоллар:

- Шахсий маслаҳат;
- Ишга жойлаштириш ва маслаҳат бериш;
- Дам олиш ва жисмоний тайёргарлик;
- Болаларни парвариш қилиш;
- Транспортировка қилиш;
- Банк иши;
- Соғлиқни сақлаш;
- Репетиторлик хизмати.

Аксарият йирик таълим муассасалари, турар жой билан таъминлаш дастурлари жуда кам бўлишига қарамасдан, кам сонли магистрантларни турар жой билан таъминлайди. Кампусда яшаш-яшамаслигидан қатъи назар, кундузги бўлимда таҳсил оладиган аксарият магистрантлар ҳамда кўпинча сиртқи бўлим магистрантлари юқорида қайд этилган университетнинг ёрдамчи хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Битирувчилар билан ишлаш

Талабалар билан бир умрлик алоқаларни сақлаб қолиш ва муносабатларни ривожлантириш доирасида АҚШнинг кўплаб университетларида Битирувчилар билан алоқа бўлими фаолият юритади. Ушбу идоралар битирувчилар тўғрисида маълумот тўплайди, уларнинг касбий ютуқларини кузатади, катта университет жамоатчилиги билан янгиликларни бўлишади, шунингдек, маблағ тўплаш, маркетинг ва университет брендини олға суриш учун битирувчилар тармоғини кенгайтиради.

Битирувчилар билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш анъанавий усуллар, яъни тўғридан-тўғри почта жўнатмалари, телефон қўнғироқлари ва талабалар билан учрашувлар, шунингдек замонавий рақамли алоқа воситалари (подкастлар, вебинарлар ва Facebook, LinkedIn ёки Twitter каби ижтимоий тармоқлар) ёрдамида амалга оширилади. Ушбу янги жойлар таълим муассасаларига битирувчилар билан доимий равишда, замонавий воситалар ёрдамида алоқани қўллаб-қувватлаш имконини беради.

АҚШда битирувчилар билан тармоқлар қуриш ва уларни қўллаб-қувватлаш кўпгина таълим муассасалари учун одатий ҳолга айланган бўлса-да, бошқа мамлакатлардан келган битирувчилар билан алоқаларни ўрнатиш ва мунтазам алоқада бўлиш кўплаб университетлар учун ҳалигача қийинчилик туғдирмоқда. Уларга оид маълумотларини олиш ва янгилаш кўп меҳнат талаб қилмоқда. Баъзи таълим муассасалари битирувчиларининг сони кўп бўлган мамлакатларда битирувчилар учун тадбирлар уюштиради ёки муайян мамлакатлар ёки минтақаларга саёҳат қилинганда университет раҳбарлари билан учрашувлар уюштиради. Бироқ, бундай тадбирларга кетадиган харажатни ҳисобга олсак, кам сонли муассасаларгина бундай халқаро тадбирларни мунтазам ўтказишга қодир.